

---

Байрам арафасида билан Мудофаа ишлари бўлими ходимларининг хизматлари эътироф этилди

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 33 йиллиги ва 14 январь - Ватан ҳимоячилари куни олдидан Ўзбекистон тумани Мудофаа ишлари бўлими ходимларининг шарафли хизматлари яна бир бор эътироф этилди.

Шодиёна муносабати билан ташкилланган учрашувда туман ҳокимининг ўринбосарлари Абдулатиф Имомназаров ва Муслимбек Аҳмедов бўлим ходимларини байрам билан самимий қутлаб, уларнинг келгуси ишларида улкан зафарлар тилади.

Мамлакат таянчи ва халқимиз фахри бўлган миллий армиямизни янада такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган янги босқичдаги ислохотларни ҳудудларда самарали тадбиқ этишда туман Мудофаа ишлари бўлими ходимларининг ҳам меҳнатлари таҳсинга лойиқлиги қайд этилди.

Барча фидоий хизматчи ва ходимларга туман ҳокимлигининг эсдалик совғалари топширилди.

2025-01-13 16:30:40